

Ҳомиладор аёл номози



06:30 / 05.09.2018 4469

Ассалому алайкум! Менинг ёшим 22да. Номоз ўқишим учун ихлос қилиб оятларни дуоларни ўргана бошлагандим. Ҳозирда Худога шукур ҳомиладорман. Ой куним яқин. Соғлигим булмай шифохонага тушиб қолгандим. Бир опадан номоз ҳақида сўрагандим, номоз ўқиш учун тоза пок булиб юришиз керак кийимлариз пок бўлиши керак дедилар. Фарзандизни ювинтирасиз, кийимчаларини ювасиз қўлингиз, кийимингиз макруҳ бўлиши мумкин. Шунинг учун насб бўлса фарзандлариз катта бўлганидан кейин ўқисангиз ҳам бўлади дегандилар. Саволим шундан иборатки, қачон номоз ўқишни бошласам бўлади? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Ўша опанинг **"фарзандлариз катта бўлганидан кейин ўқисангиз ҳам бўлади"** деган гапи ўта хатарли гап. Ҳозирдан бошланг намозни, билганингизча ўқинг. Валлоҳу аълам!